

*Бирам йиглайди-ей бечора кўнглим*

*Дунёларга сигмайди бечора кўнглим.*

*Дўст йўк экан-э бу дунёда, билдим*

*Кулдим дунё устидан, гох йигладим.*

*Эй кўнгил, айт ўзи сенга не керак?*

*Мунча йиглайсан, ўзи бетоб юрак.*

*Келгил, иккимиз килайлик тилак*

*Нурли бўлсин олам, шунга йигласак.*

\*\*\*\*\*

*Нотоб бўлма жисмим эгаси кўнгил*

*Ўзгалардан кидирма айбу нуксон.*

*Калбни покла ўз айбингни билгил*

*Сен гўё вужудим ичра бир осмон.*

*Калбингдаги кўзгуга бок, юв уни*

*Тарбият эт сен хусни-хулкигни.*

*Хотиржам тургил охират куни*

*Бас, тий энди суяксиз□ тилигни.*

*Хикмат талаб бўл – илмга интил*

Адаб сохиби бўлгил очик юзли.

Харомдан коч, шубхадан тийил

Мўмин гўзал бўлур доим хаёли.

Бу дунёда меҳмонсан кўнглим

Эй калб! Поклик сенга ярашар.

Азобга кўйма ўзингни нафсим

Ёмонга кўлин бигиз килишар.

Эрта кун очик юзла турайлик

Нафсни бошла энди йўлинга.

*Махшарга хотиржам борайлик*

*Занжирлар солинмасин бўйинга.*

\*\*\*\*

*Эй кўнгил яхшига ёндош то кабр қадар*

*Нурга талпингил, хикмат ахлидан бўл.*

*Илмсиз хароб бўлар□ дунё беш-баттар*

*Билгил нури зиёла чарогондир умр йўл.*

*Тирикчилик деб ўтса умринг ачингил*

*Бас, энди етар, ечингил гунохлардан.*

*Шошил тавбага Аллохимга эгилгил*

*Амалсиз наф йўк охиратда охлардан.*

*Киёматни уйготади гунохкор фосиклар*

*Дуо кил чўгга айланмасин илохим имон.*

*Яхшилик киларлар Аллохимга ошиқлар*

*Огоҳ бўлгил! Хисоб бор олдингда инон!*

\*\*\*\*

Аллохнинг сиддик бандаси бўл, бу бахт

Дунё зийнатларин бойликни тупрок бил.

Ошик бўлсак шудир аслида бахту-тахт

Кел эй ганим бўлайлик энди доимо ахил.

Оч колсанг шукр кил-у, хушнуд бўлгил

Дунё ахли бойликда шодмон бўлгандай.

Такво либосида бўл-у, тавоъзуда юргил

Дардинг очмай доим юргил кулгандай.

Ишк шаробига етмок бўлсин насиб сенга

Харомни тарк этгил бу авомлар зухдидир.

*Халолни хам кўпи кўп, бу насихат сенга*

*Дунё чалгитмасин бу хослар зухдидир.*

*Бас кайтгил энди Аллохга, амрига эгил*

*Яхшилик ичра яшаб, нафсингни ўлдир.*

*Келса бало хам шодлик, Аллоҳдан бил*

*Амал дафтарингни □ савобга тўлдир.*

\*\*\*\*

*Вафоли бўлгил эй кўнгил*

*Вафосизни дўст тутма.*

*Бас, Аллох амрига кўнгил*

*Вафосиздан лутф кутма.*

*Етар эй кўнгил, бўл энди мард!*

*Мўмин бўл-у, яхшилиқ ичра юр.*

*Уммат бўлиб бўлмада номард*

*Охиратда Набийлар ёнида тур!*

\*\*\*\*

*Хусни ибдито кўйида ёндим*



Хаё имонимни боласи бўлди.

Сабру каноат отига миндим

Юракларга мухаббат тўлди.

Хайриятга талпиндим доим

Гуноҳ килсам қуйди виждон.

Бўлмасидан қиёмат қоим

Фидо бўлсин исломга қон.

\*\*\*\*

*Дониш Фазл Балхий дебдилар:*

*Мухаббат исордир, маъноси тўртдир.*

*Тил зикрда доим кўнгил хотиржам унда*

*Такбирда ибодатда коим, дуода тонгда.*

*Хак билан тутинган унс, ошиқдир Анга*

*Ишкида оввора доим дунё унга дўстмас.*

*Эй одам, улуглардан хикмат бул санга*

*Мўмин мўминни хеч устидан кулмас.*

\*\*\*\*

*Эй кўнгил мунча хотиржамсан*

*Киёматлар борку хали олдингда.*

*Сўнги нафас мўминмисан ё ажам*

*Билмассан кимсан кетар онингда.*

*Калбинг кулоклари беркилмасин*

*Насихатга эшик оч, харомдан коч.*

*Килгил яхшилиқ биров билмасин*

*Нафсни ўлдир! Бас, кўзингни оч!*

\*\*\*\*

*Тарбият эт хусни-хулкингни*

*Набий-ку ўзи бизга муаллим.*

*Халолдан изла-да ризкингни*

*Айт хакка юриб адашди ким.*

*Ёмонлар дунёни зулмат килади*

*Разолатга ботма нафс кўйида.*

*Гунохлар имонни калбдан юлади*

*Колма дўстим жахолат кўйнида.*

\*\*\*\*

*Кувонса инсон биродари балосига*

*Мўминми у кандог қарар Худосига.*

*Ё Раб! Мўминга малхам қил мани*

*Кандог чидай биродарим азасига.*

*Жоним фидо бўлсин мўмин учун*

*Сарф бўлсин бу жоним кувончига.*

*Улар гамнок бўлса дилимда тугун*

*Туз сепсалар жоим огрир яросига.*

\*\*\*\*\*

*Нафсимга банди килмагил – Илохи*

*Саждалар кўп килай навкиронимда.*

*Дуогўй бўлай кўзлари намли нурони*

*Факир таоми колмасин козонимда.*

*Йиглайман, □ ибодатларим оз Аллохим*

*Ё Раббий! Тилимни доим зикрла намла.*

*Илтижо истигфорда ёришсин тонгим*

*Панохинга олгил лаъин килмасин хамла.*

\*\*\*\*

*Яхшилик согинсам ўзимга кандай мўмин бўлай*

*Жами саодат сизга бўлсин азиз диндошларим.*

*Мадор кетса белдан мен сизларга жон бўлай*

*Рахмат тилаб сизга тинмасин □ кўз ёшларим.*

*Мен □ бир дўстингиз, осий кул, гунохкор банда*

*Азизларим дуоларингиздан умидвор бўлгум.*

*Хидоятда бўлайлик истигфорни килмай канда*

*Сўзим килай энди мухтасар, ассалому алайкум.*

**Фарходбек Жўраев**